

ФАШИЗМГА ҚАРШИ УРУШНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Сирожов О.С.

Бухоро Давлат Педагогика институти
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси профессори,
тарих фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Бухоролик деҳқонларнинг фронтни ва фронт ортини керакли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаши учун амалга оширган ишлари ва фидокорона меҳнатлари акс эттирилган. Бундан ташқари мақолада уруш йилларида фронтни озиқ-овқат билан таъминлашда Бухоро халқининг асосан аёлларнинг кўрсатган мардонвор меҳнати ва уларнинг фаолияти архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Большевик, маориф, ҳарбий комиссариат, қизил армия, капитан, ленин йўли, стахановчилик, дори-дармон, асбоблар.

Немис-фашист босқинчилари хиёнаткорона ҳужум қилгач, собиқ СССРдаги барча республикаларда бўлгани сингари Ўзбекистон, жумладан, Бухоро вилояти қишлоқ аҳли ҳам душманга қарши умумхалқ курашига қўшилди.

1941 йил 23 июнь эрталаб Вобкент тумани марказида кўп кишилиқ митинг бўлиб, ушбу митингда бир неча киши гапириб, ҳаммани янада яхшироқ ишлашга чақирди. Йиғилиш қарорида қуйидаги сатрлар бор эди: “Немис-фашист босқинчилари хиёнаткорона ҳужум қилганликларига қарши барча вобкентликлар янада уюшиб, янада кўпроқ меҳнат қилади ва душманга қарши курашда ўз хиссасини қўшади”. Шу куни Свердлов тумани марказида ҳам шундай митинг бўлиб, унинг қатнашчилари кўнгилли бўлиб фронтга жўнаш истаги билан ҳарбий комиссариатга мурожаат қилган бўлса, кексалар, хотин-қизлар пахта орасида ишловни кучайтириш шу билан кўпроқ ҳосил олиш ташаббуси билан чиқдилар.

Ватан олдидаги бурчларини чуқур англаган Бухоро туманидаги “Отбозор” қишлоқ шўросидаги “Маориф” жамоа хўжалигидан биринчи кунларда 70 нафардан ортиқ киши кўнгилли бўлиб фронтга жўнади. Жамоа хўжалигида қолган Мурод Тоиров, бригадир Абдуллаев, Салим Бобоев, Сайфулло Қўлдошев ва Ҳикмат Боймуродовлар иш нормасини 2-3 баробар қилиб бажардилар. Вобкент туманидаги Сталин номли қишлоқ хўжалиги артели, Ғиждувон туманидаги “Большевик” “Ленинизм” Ворошилов номли жамоа, Свердлов туманидаги Ленин, Сталин, Крупская номли жамоа хўжалиги аъзолари урушнинг биринчи кунларидан гўшт топшириш режасини ошириб бажардилар ва бир неча тонна ортиқ гўшт топширдилар.[1.с.3]

1941 йил, июлда Гиждувон туманидаги “Фришкент” қишлоқ шўроси олдида катта митинг бўлиб ўтди. Митингда Димитров номли жамоа хўжалиги аъзоси Соҳиб Облоев сўз олиб, немис-фашист босқинчиларига қарши жуда қаттиқ жанг бўлаётганлиги ва Ватан мудофааси жуда долзарб вазифа эканлигини айтиб, ҳаммани фронтга жўнашга чақирди. Ўзи биринчи бўлиб ҳарбий комиссариат вакилларига ариза ёзиб берди. Шундан сўнг 33 киши шу ерда ариза ёзиб, кўнгилли бўлиб, фронтга жўнадилар.

Ишчилар армияни замонавий қуроллар, танклар, самолётлар билан таъминлаш учун меҳнат қилса, деҳқонлар фронтга озиқ-овқат етказиб бериш билангина чекланмай, армияни кучайтириш учун янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқдилар.[2.в.22]

Аша шундай ташаббуслардан бири, қишлоқ аҳолисининг авиация ва танк колонналари ташкил қилиш учун маблағ йиғишга киришуви эди. 1941 йил 21 августгача Ўзбекистон Республикаси бўйича мудофаа фондига 5 миллион 293 минг сўм пул йиғилди. 12 сентябрга келиб йиғилган маблағ 12 миллион 93 минг сўмни ташкил қилди.

Сентябрь ойининг охирига бориб, жамғарма 70 миллион сўмдан ошди. Бухоро вилоят меҳнаткашлари ҳам бу умумхалқ ҳаракатидан четда қолгани йўқ. Улар 1941 йил сентябрь ойи охиригача 7 миллион сўмдан ортиқроқ пул йиғиб, мудофаа фондига топширганлар.[3.в.70]

Биргина 1941 йил охиригача Ўзбекистон деҳқонлар фронтдаги солдат ва командирларга янги йил совғаси сифатида 51 вагон савзавот, қуритилган мева ва иссиқ кийим юборган бўлса, Бухоро вилояти меҳнаткашлари 1941 йил 20 октябргача 61 хил кийим-бош, оёқ-кийим ва бошқа иссиқ кийимларни йиғиб Қизил Армия жангчиларига юбордилар. Жумладан, 190 дона бош-кийим, 449 жуфт валенка, 2269 жуфт пахтали шим, 98 дона шинель, 447 дона пальто 27 жуфт чарм этик, 1798 дона дастрўмолча, 165 дона ёстиқ юборган.[4.в.122]

Бухоро вилоятининг барча туманлари аҳолиси сингари Гиждувон тумани меҳнаткашлари ҳам 1941 йил 25 октябргача 54 хил иссиқ кийим ва турли нарсаларни Қизил Армия жангчиларига юбордилар. Шулардан 284 дона янги ва 20 дона ишлатилган пиджак, 40 жуфт пайтава, 49 жуфт янги ва 21 жуфт ишлатилган жунли қўлқоп, 1 жуфт валенка, 42 дона янги ва 16 дона ишлатилган шим, 3 дона янги ва 30 дона ишлатилган ёстиқ, 6 дона янги ва 2 дона ишлатилган сочик, 16 та кўрпача, 2 дона шинель юборилди.[5.в.123]

1942 йил, апрель ойида Бухоро меҳнаткашлари республикамизнинг барча халқи сингари иккинчи иссиқ кийим-бош йиғиш ҳаракатини бошлади. Қисқа фурсатда вилоят меҳнаткашларидан 51 турдаги кийимлар йиғиб олинди ва Қизил Армия жангчиларига юборилди. 700 дона пахтали шим, 83 дона ёзги шим, 32 дона валенка, 568 жуфт пайпоқ, 7355 дона турли хил бош-кийимлар, 428 жуфт жунли пайтава, 963 дона кўйлак, 905 дона пахтали пиджак, 6 дона совун ва бошқа нарсалар шулар жумласига киради.[6.в.32]

1942 йил, май ва июнь ойида учинчи марта иссиқ кийим-бош йиғиш ҳаракати бошланиб, Бухоро вилояти меҳнаткашлари ҳам бу иссиқ кийим тўплаш ва Қизил Армия жангчиларига юбориш ҳаракатидан четда қолгани йўқ. Жумладан: 300 дона ички кийим, 3000 дона иссиқ пиджак 3500 дона простин, 7000 дона сочик, 13500 килограмм жун ва бошқа нарсалар юборилган.[7.в.39]

1942 йил 1 октябрда тўртинчи бор иссиқ кийим тўплаш бошланиб, Бухоро вилояти меҳнаткашлари 360 дона бош-кийим, 480 дона қорақўл терисидан бўлган телпак, 405 дона пиджак, 110 дона шим, 900 дона валенка, 89 дона иссиқ жунли пайпоқ, 215 дона иссиқ кўйлак, 211 дона жемпер, жами 20 га яқин турли хил буюмларни тўплаб топширганлар.[8.в.55]

1941 йил сентябрдан қамал ҳолатда қолган Ленинград ҳимоячиларига иссиқ кийим ва озиқ-овқат совғалари юборилди.

Ўзбек халқи Ватан ҳимоясига, Қизил Армияни қурол-аслаҳа билан таъминлашда жуда катта ёрдам бериб, танк колоннасига 675 миллион сўм, 30 миллион 603 минг сўмлик ҳарбий заём, 574 сўмлик пул буюм лотереяси топшириш билан ўз ҳиссасини қўшди. Ўзбекистон 4 йил ичида фронтга жами 218 минг тонна ҳарбий анжомлар, қурол-аслаҳалар, ўк-дорилар юборди. Булар жами 12 минг вагонни ташкил қилди. Ана шу маблағларнинг 1/6 қисми Бухоро вилояти меҳнаткашларининг улушидир.[9.в.69]

1942 йил 2 октябрда Бухоро вилояти меҳнаткашлари Қизил Армия учун жуда кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини махсус яшиқларга солиб, совға сифатида юборганлар, 19266 килограмм қуритилган гўшт, 15067 килограмм буғдой, 2092 килограмм майиз, 894,5 килограмм сариқ ёғ, 10 тонна печенье ҳамда махорка ва бошқа нарсалардир.[10.в.68]

1942 йил 22 февралда қогонликлар Қизил Армия жангчилари учун байрам совғалари тўплаб юбордилар. 4500 килограмм олма қоқи ва майиз, 1146 килограмм қовун қоқи, 100 банка гўштли консерваларни қогонликлар фронтга юборганлар.[11.в.54]

1942 йил, февраль ойи охирида Янги-Бозор қишлоқ шўросидаги Каганович номли артель аъзолари Қизил Армияга 50 литр вино, 100 килограмм қуритилган ўрик, 6 килограмм сариқ ёғ, 44 килограмм асал юбордилар.[12.в.65]

1942 йил, февраль ойи охирида Фрунзе номли қишлоқ хўжалиги артели аъзолари 300 килограмм ғўлин, 20 литр вино, 10 килограмм помидор қоқи юборган бўлса, Бухоро тумани қолхозчилари 3500 килограмм қуритилган гўшт, 10 тонна ғўлин, 35 килограмм сариқ ёғ, 30 килограмм асал жами 2 вагон совға Қизил Армия жангчиларига юборилди.[13.в.67]

Ленинград ҳимоячилари учун вилоят районларида совғалар тўплаш қизғин давом этди. 1942 йил 11 апрелда Шофиркон тумани қолхозчилари 200 килограмм майиз, 560 килограмм ғўлин, 50 шиша вино, 50 килограмм ёғ, 20 килограмм асал, 1500 дона тухум, Кармана тумани 530 килограмм гўшт, 400 дона тухум, 150 килограмм ғўлин, Қизилтепа тумани меҳнаткашлари эса 150 килограмм ғўлин, 24 килограмм ёғ, 1700 дона тухум, 650 килограмм гўшт, қогонликлар 3860 килограмм ғўлин, 278 шиша вино, 69 шиша спирт ва 65 килограмм майиз тўплаб юборганлар. [14.в.67]

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Бухоро вилояти меҳнаткашлари фронтларда жон бериб-жон олаётган жангчиларга ҳамдард, ҳамнафас бўлдилар. Жангчиларга совға сифатида юборган нарсалари уларнинг кучига-куч қўшди ҳамда фашист босқинчиларига қарши янада мардонавор курашга руҳлантирди.

1941 ва 1942 йилларда ғалладан мўл ҳосил олиб, мамлакатнинг нонга бўлган эҳтиёжларини қоплаш учун қолхозчилар тинмай меҳнат қилдилар.

Свердлов туманидаги Ленин номли жамоа хўжалиги қолхозчилари вилоятнинг бутун қолхозчиларига очиқ хат билан мурожаат қилди. Мурожаатда шундай дейилган эди: “Шу йил Қизил Армия жангчиларининг оилаларини ва артелнинг барча аъзоларини келгуси йил ҳосилигача ғалла билан таъминлаймиз. Қолхозчиларимизнинг зўр меҳнати билан давлатни ғалла танқислигидан халос қиламиз. Ҳамкорликда, биргаликда меҳнат қилиб, икки-уч ҳисса кўпроқ ҳосил оламиз”. [15.с.97]

Ленин номли жамоа хўжалиги қолхозчиларининг очиқ хатини вилоятнинг барча қолхозчилари қўллаб қувватладилар. Улар ҳам шу ташаббусга қўшилиб меҳнат қилдилар. 1941 йилда ғаллани йиғиб-териб олишда меҳнат унумдорлигини 17,8 фоиз оширдилар.

Бу эса ўтган йилгига нисбатан жуда катта кўрсаткич эди. Минг-минглаб кишилар далаларда меҳнат фронтининг қаҳрамонлари бўлдилар. Вилоятнинг Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги “Ленин йўли” артелининг қолхозчилари мусобоқанинг ғолиблари бўлдилар.

1941 йил 28 октябрда вилоят пахтакорлари пахта режасини 114,2 фоиз қилиб бажардилар. Урушнинг дастлабки йилларидан бошлаб, меҳнат қилиш учун далаларга кексалар ҳам ёшлар ҳам чиқдилар. Китоб туманидаги “Матбуот” жамоа хўжалиги аъзоси Тухфахон Маликова “стахановчасига ишлайман, бутун кучимни фронт учун сарфлайман”, деб мурожаат билан чиқди. У 1941 йил октябрь ойигача 8 тонна пахта терди.

1942 йил, январда Когон, Қарши ва Бешкент туманлари биргаликда Когон сув омборини бунёд этдилар. Бу сув омбори уруш йилларида Қарши чўлларидан мўл қишлоқ хўжалик маҳсулот етказишда катта роль ўйнади.

Вилоят пахтакорлари 1942 йилда 122 минг 852 гектарга пахта экиб, 66 минг 700 тонна пахта олдилар. Колхозчилар 1943 йилда мўл ҳосил олиш учун 1942 йил охиридан бошлаб далаларни шудгор қилдилар, зовурларни тозаладилар. Улар эрта тонгдан кечгача далаларда меҳнат қилдилар, ўзларини фронтда туриб меҳнат қилаётгандек ҳис қилиб, душманга бўлган нафратларини янада яхшироқ меҳнат қилиш билан изҳор этар эдилар.

1943 йил бошида Бухоро туманидаги Чорбакир қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Ленин номли қишлоқ хўжалик артелининг хотин-қизлари вилоят хотин-қизларига мурожаат қилиб, дала ишларини яхши уюштириш, кунлик нормани 2-3 баробар ошириб бажариш орқали пахтадан мўл ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатган эдилар. Улар мурожаатларида шундай деган эди: “Ҳозирги пайтда Қизил Армияга бизнинг ёрдамимиз керак, биз мардонавор душман билан жанг қилаётган жасур жангчиларимизни қуроллантиришимиз ва озик-овқат билан таъминлашимиз керак. Бизнинг вилоятимизда бирорта ҳам хотин-қизлар колхозчи, тракторчи, МТС ва жамоа хўжалиги ишчиси кунлик нормаларини 2-3 марта ошириб бажармасдан қолмаслиги керак”. Бу мурожаатни бутун вилоят колхозчилари, тракторчилари, МТС ва совхоз ишчилари қўллаб-қувватладилар ва кунлик нормаларини ошириб бажардилар. 1943 йил апрелида Лағлакқа қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Ленин номли қишлоқ хўжалик артели аъзолари фронтга 30 кунлик иш ҳақларини ўтказдилар.[16.с.245]

Урушнинг оғир кунларида ишчилар ва деҳқонлар жуда яқин алоқада меҳнат қилиб, бир-бирларига кўмаклашиб, фронт учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширдилар.

1942 йил апрель ойида Республика ҳукуматининг қарорига асосан шаҳарликлар, талабалар ва ўқувчилар қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиндилар.

1943 йил бошидан шаҳарлик ишчилар қишлоқдаги 10 мингга тракторни ва 800 та комбайнни таъмирлаб, ишга туширишга кўмаклашдилар.

1943 йил февраль ойидан вилоятдаги барча жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларига беркитилиб, ишчилар қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаб берса, деҳқонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлай бордилар.

1943 йил 10 сентябрда вилоят раҳбариятининг бевосита кўрсатмаси билан барча корхоналар пахта йиғим-теримига ёрдам беришга киришдилар.

Жумладан, “ВЛКСМ XX йиллиги” тикув фабрикаси, оёқ кийимлари фабрикаси, Ромитан туманидаги жамоа хўжаликларидан 42 тонна мева олдилар. 1943 йил охиригача велосипед заводи, вилоят МТСларига 27 минг дона қишлоқ хўжалик машиналари қисмларини берди ва заводнинг 70 ишчиси йил охиригача қишлоқ хўжалик ишчиларига кўмаклашди.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Красная Бухара”, 5 июля 1941 г.
2. Бухоро вилояти давлат архиви. 1157-фонд, 1-рўйхат, 63-йиғма жилд, 22-варақ.
3. Бухоро вилояти давлат архиви. 1157-фонд, 1-рўйхат, 65-йиғма жилд, 70-варақ.

4. Бухоро вилояти давлат архиви. 1023-фонд, 1-рўйхат, 140-йиғма жилд, 122-варақ.
ухоро вилояти давлат архиви. 149-фонд. 1-рўйхат, 65-йиғма жилд, 55-варақ.
ухоро вилояти давлат архиви. 930-фонд. 1-рўйхат, 24-йиғма жилд, 54-варақ.
ухоро вилояти давлат архиви. 1023-фонд. 1-рўйхат, 140-йиғма жилд, 69-варақ.
ухоро вилояти давлат архиви. 1023-фонд. 1-рўйхат, 140-йиғма жилд, 68-варақ.
9. Бухоро вилояти давлат архиви. 1220-фонд, 1-рўйхат, 29-йиғма жилд, 65-варақ.
10. Бухоро вилояти давлат архиви. 930-фонд, 1-рўйхат, 24-йиғма жилд, 67-варақ.
минова Р.Х. Колхозное крестьянство Узбекистана в годы Великой Отечественной войны, Т.: Фан, 1979. С. 97.
12. История Бухары (С древнейших времён до наших дней). Т.: Фан, 1976. С. 263.